

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 10 март сешанба

Сотувда эркин нархда № 51 (1832)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



САВОБ

ЯХШИЛИК БИЛАН ЭЛ КЎКАРАР

деганлари рост. Негаки, яхшилик мураккаб қалбдан тортиб нурувий юракка қадар саховат уруғини экади. Қизил Ярим ой жамияти Тошкент вилояти қўмитаси жамоасининг иш фаолияти ана шу мазмунида қўрилган. Қўмита яқинда Қўрай тўғрисида «Наврў» хайрия марафонини ўтказди. Марафон шори ҳам ноёна навиий эди: «Савоб иши ҳар қим қилиши керак, савоб иши ҳар қим қилиши керак!»

Амалхўсе, ана шу савоб ишлар натижасида тумандаги қатор назоратлар, серфарзанд оилалар ва қаровчисиз қолган қариқларга, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига совға-саломлар улашди.

АЛЛО, «ЖАЛҚ СЎЗИ»МИ?

МИЛЛИОН СЎМЛИК МУКОФОТ

— Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, «Халқ сўзи» жамоа ҳўжалиги аъзолари яқин йиллар ичида тўнғиз ҳам қирмаган совғаларни олишди. Ҳўжалик бошқаруви раиси, тажрибали ва таъбиркор раҳбар Бахтиёр Қурбонов томонидан тарқатиб бериладиган мукофотлар қарий бир миллион сўмлик экан. Бу оддий деҳқонларга кўрсатиладиган ҳамхўрликдан ишонча, — дея хабар қилади сурхондарилик журналисти Жовли Хўшобқов.

Тоҳир Аннаев деган тракторчининг оғзи қулаганда. У энди раис совға қилган ян-янг «Тўко» автомашинасида маза қилиб юрадиган бўлди. Чўнки у мавсумда 600 тонна галла ўриб, ҳамкасбларини ортда қолдирибди.

Жамоа ҳўжалигининг 165 нафар аъзоси рангли телевизор дегизими, кўзни қамаштирадиган қалин силдам дегизими, хўлас, қимматбаҳо мукофотлар эгаси бўлишди.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

НАВБАТДА МИНИ БАНКЛАР

— Навоий вилояти «Пахтабанк» тижорат-ҳиссадорлик жамияти ўзининг минни банкларини ташкил этишда, — деб эъди жамоати муҳбиримиз П. Жумаев. — Навбахор туманидаги «Янгиқўрғон» ва Қизилтепа туманидаги «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиқларида «Пахтабанк»нинг ана шундай минни банклари фаолият кўрсата болади.

«Янгиқўрғон» жамоа ҳўжалигида ташкил этилган минни банк 1997 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб жамоа ҳўжалиги ва саккиз жисмоний шахсага хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари унда 128 киши ўз оминатларини саклайдилар. Минни банкнинг ўз мўҳозирасида 22 миллион сўмдан ортиқ айланма маблағ бор. Келгусида бу маблағ кўпайиши мўжзамоқда. Қишлоқ таъбиркорлари узоқ масофа босиб банкларда ўз ҳисоб рақамларини очибдан кўра, минни банк билан ҳамкорлик қилишни афзал кўрмоқдалар.

УДУМ

ДИЛШОДАНИНГ ДИЛИ

шод бўлди. Негаки, ундаб келинлар орасидан уни тан олишди ва Самарқанднинг энг ибратли келинчаги деб аташди, — деб хабарлайди ўз муҳбиримиз Гули Чехра. — Маълумки, вилоятларда Оила йили муносабати билан «Энг ибратли келинчақ» таллови ўтказиб келинмоқда. Туманларда гоилблиқни қўлга киритган 9 нафар келинчақ республика миқёсда ўтказилаётган таллошда иштирок этиши учун келинларга хоҳ фарзандларини номоши этишди. Таллош раъсий маънода истеъдодли келинлар беллашув, деб ҳам аташ мумкин. Чўнки ҳар бир иштирокчи ўзининг яқиндошларини ҳам қўриқсини, чевоқсини, оиладаги мустақкам ўзини кўрсатиши билан бургалида ўз истеъдодли ҳам номоши этиди. Саҳнада уларни кўраётган иштирокчи актёр, нолиқ дидли раққоса, ёқамли овоз эгаси бўлган хованда, деб тан олишди.

Хўлас, жамоабийлик Дилшода Турсунова таллош гоилби бўлди ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Энди у Тошкентда ўтказилаётган беллашувда самарқандлик миғлаб келинлар номидан иштирок этади.

КРИМИНАЛ

ЛИМОНДАЙ САРҒАЙГАН ХУРСАНДОЙ

Қашқадарлик журналисти Уроҳ Хайдаровнинг хабарлашига қўра, Душанбе-Панжикент йўналишида кетайтиган «Икар» русумли автобус Деҳқонobod тумани «Чак-чак» ДАН پوستида тўхтаганида, унда ўтирган бир йўловчи аёл безовта бўла бошлаган. Унинг сумчаси лимонага тўла эди. Она ўзининг лимонни жузда яхши кўриб танаовул қилишганини ҳам қайта-қайта таъкирлади. Опанинг нардонае училиг ДАН ҳодимларини қаттиқ шўбхаландирди. Улар «Энг кўса-ни очиб қарасалар, лимон тағида оғил халтага уралган 3,5 кг гинҳавонлик моддаси — оғил топилади.

Ҳарқалай, ДАНчиларнинг бу топқариқидан самарқандлик Хурсандой она хурсанд бўлмади.

Телефонларимиз: 133-15-22, 133-52-55, 133-07-48, 136-37-85

«Соат» миллирини ЖУШҚИН кузати.



ХОРИЖНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

Утган йили Самарқанддаги «Кинап» заводи вилоят ҳўжалиқларида чигитни пўнка остига эжувчи 500 донга агрегат тайёрлаб берганди. Жорий йида эса ушбу муҳим ускунага 700 та буржумма тушган. Шу босидан ҳам мавсум эшик қоқиб турган айни кезде заводда иш нўҳоятда қўзғин. Яна бир томони: бу йилда агрегат утган йилдагисидан бир-мунча мукамал. Чўнки пахтакорлар билан ишчилар таъриба сифатида агрегатнинг бир неча турини синовдан ўтказиб, утган йил эъида яқин хўласага келандилар. Ва ана шўнга келишиб олдиларки, вилоят ҳўжалиқлари айни шу вазифини бажарувчи чет эл агрегатларини энди сотиб олмайдилар. Сабаби аён — ўзимизда тайёрланаётгани хорижникидан сира қолишмайди.

«Кинап»дагилар буржумма жиддийлиги, ишонингдек, вақт танқислигини ҳисобга олиб, шаҳарда эҳти қорхонани ҳамкорликка қорлайди. Энди бутловчи қисмларни «Пахтаман» лифтсозлик ҳамда қишлоқ ҳўжалиги машиналарини таъмирлаш заводлари етказиб бермоқда. Уларнинг бошини қовуштириши, маблағ билан таъминлашда қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни чўқурлаштириши бўйича давлат комиссиясининг вилоятдаги бўлимига яқиндан кўмак бери.

Ҳозир Самарқандда тайёрланаётган эши агрегати бунгача Тошкент, Андижон, Урачанд ҳам ишлаб чиқаришган ва айни пайтда ҳам ишлаб чиқарилаётти. Аммо самарқандликлар тайёрланаётгани уларникидан фарқ қилади. Тўғриси, бу айнан вилоят деҳқонларига маъқул келаяпти. Гап ана шўнда.

СУРАТЛАРДА: жамоа ҳўйтидан лавҳалар. Тўлқин КАРИМОВ олган суратлар.

САВОҚ ВА ВАЗИФАЛАР

1. ИСТИҚБОЛСИЗ КОРХОНАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ХАТО

Президент Ислам Каримов шу йил 25 февраль куни бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ўтган йили республиканинг сийсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда бу борода йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Уларга барҳам беришнинг йўл-йўриқларини кўрсатиб, 1998 йилда мамлакат иқтисодиётининг ислох қилишнинг устувор йўналишларини аниқ ва лўнда қилиб белгилаб берди. Бошқача айтганда, мажлисда ҳақиқий аҳолга тўғри баҳо берилди.

батда бўлишининг пайти келди. Энг аввало, истиқболсиз корхона ва ташкилотларни ҳар қандай йўл билан бўлса-да қўллаб-қувватлашдек хато йўлга барҳам бериш зарур. Чўнки бу йўл бозор талабига мувофиқ ёт ва зиддир. Унинг бошқа хавфли жиҳати ҳам бор: самарасиз ишлайдиган корхоналар қардорлик гирдолига фақат ўзлари фарқ бўлибгина қолмасдан, бошқа корхоналарни ҳам ортдан тортиб кетади.

1997 йил якунларини танқидий кўз билан баҳолаб, — деди йўлбошчимиз, — шунинг тир олимнинг керакки, бир қатор устувор вазифалар ҳали маромига етказиб бажарилмади. Булар нимйиллардан иборат?

Бултур қулай иқтисодий шарт-шароит яратилишига қарамастан, қўпгина корхоналарда белгиланган режа бажарилмади. 302 та корхона эса йилни 3,8 миллиард сўм зарар кўриб юқланди. Ачинарлиси, корхоналарнинг қарзи уларнинг ўз жамғармаларидан деярли икки баравар ошиб кетди.

1997 йилда, шунингдек, 145 та корхона банкрот деб эълон қилинди. Уларнинг 200 миллион сўмликдан кўпроқ мол-мулки «Кинош» савдоси орқали сотилди.

Республикамизда ҳозирги кунда корхоналарнинг ҳар томонлама ривожланишига ёрдам берадиган қонуналар ва меърий ҳўжатлар етарли даражада мавжуд. Бозор инфратузилмаси яратилган, банк ва молия, биржа ва ултуржи савдо тизимлари барқарор ишлаб турибди. Шундай экан, бугунги шароитда бундай аҳолга асло чидаб бўлмайди. Шу босе Ҳукумат комиссиясига «Йилнинг биринчи ярмидек ишлаб чиқарётган маҳсулотлари ўтмайди, бозор талабига жавоб берайдиган корхоналарда кўпгина маҳсулот баҳосини ва томонларнинг аниқ масъулиятини кўрсатмаслик ҳоллари кўпайиб учрайди.

Кўпглаб корхоналарда эса на ички бозор, на ташқи бозор кўтарилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўл қўйилди. 1998 йил 1 январь ҳолатига қўра, 21,3 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот сотилмасдан, омиборларда қолиб кетгани бунинг далилидир. Бундай корхоналар, айниқса, «Узмасаноат», «Узавтотранс», «Узэлектротранс» уюшмалари тизимда кўп.

Бу нуқсонлар, яъни корхоналар оғир молиявий аҳолга тушишининг асосий сабаблари ниманда?

Аввало, уларда ҳанузга қадар серхаражат, сифати паст, рақобатта чидамсиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан эски технологиялар ишлатилиши, ишонингдан, раҳбарлар ва мутахассислар бозорини яхши билмайдилар. Маркетинг хизмати сует ишламоқда. Экспорт доир шартномалар эса пухта ўйланмасдан, ишюма-ишюмарлик билан тузилаёттир. Учинчидан, маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришда монополия ҳомон сақланиб қолмоқда. Бу номатқул ҳол корхоналарга ички бозорда

Зеро, яқин орада ишлаб чиқариш корхоналарининг молиявий аҳолини ўнганмас экан, бу ҳол макроеқтисодий барқарорлик босирида қўлга киритилган ютуқларга ўта салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундан ҳам муҳими, макроеқтисодий ва молиявий барқарорликни булдан бўён ҳам мустаҳкамлаб бориш, тўлов итгизоининг тартибга солиши, умуман, барқарор иқтисодий тараққийёт тамоийларини мустаҳкамлаш — 1998 йилнинг биринчи ва бош вазифаси этиб белгиланди.

Демак, ҳар бир корхона раҳбарлари, ҳар бир жамоа аҳли ўтган йили йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлардан тўғри сабоқ чиқари, жорий йилдаги катта ва мураккаб вазифаларни тўлиқ ҳамда ошириб бажариш учун астойдил меҳнат қилмоғи керак. Белгиланган устувор вазифалар, мамлакатимизни бозор ва демократик ислохотлар йўлидан босқичма-босқич, изчил ривожлантиришнинг ажралмас қисми эканлиги ҳам бизни шўнга даъват этади.

И. ЎТБОСАРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗ ГИИ

Қомусий аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси аъзолари Фарғона вилоятида бўлди. Улар Қўра шаҳридаги қадимий Шаҳристон тепалигида олиб бориладиган археологик қазилма ишлари, меъморий обидалар, раъсий мақбара қурилиши, маданият ва истироҳат боғини бунёд этиши, Фарғонанинг Муствақиллик майдонинда буюк бобоқалонимизга ҳайкал ўрнатиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йилгилида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков юбилейга тайёргарлик кенг қўламда олиб бориладиганини қайт эди. Шу билан бирга, қурилиш ва ободонлаштиришни янада жаллаллаштириш, Фарғона ва Қўра шаҳарларига байрамона тус бериш, уларни қўқаламзорлаштириш, фавворалар қурилишига алоҳида эътибор қаратиш, бу хайрли ишлар вилоятдаги барча корхона ва ташкилотларни жалб этиш зарурлигини таъкирлади. Мутасадди раҳбарларга бу борда аниқ кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Йилгилида вилоят ҳокими Н.Муминов иштирок этиди.

Р. КАМОЛОВ, Ўза муҳбири.

«ПАХТА-БАНК»:

ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

Иқтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта-банк»ни ҳиссадорларининг умумий йилгилиши бўлди. Унда банкнинг ўтган йилги фаолияти яқинлари ҳамда Президентимизнинг Олий Мажлиси Х сессияси ва Вазирлар Маҳкамаси йилгилишидаги маърузаларидан келиб чиқувчи 1998 йилнинг асосий йўналишлари муҳокама қилинди.

Маълумки, «Пахта-банк» республикамиздаги энг йилри ва иқтисодий бақувват молиявий муассасалардан ҳисобланади. Бугунги кунда унинг таркибиде 13 та минтақавий бошқарма, 186 та бўлим ва 15 та минни-банк мавжуд. Улар мулкчиликнинг турли шаклида фаолият юритаётган 38 миңдан зиёд миҳозларга кредит ва ҳисоб-китоб хизмати кўрсатмоқда.

Ўтган йили банкнинг Низом жамғармаси 567 миллион сўмга қўйилди, жамин 1,5 миллиард сўми ташкил этиди. Бундан ташқари, ҳиссадорларнинг 1997 йил декабрь ойида бўлиб ўтган навбатдан ташқари йилгилишида акцияларнинг қўшимча 1 миллиард сўмлик туртинчи эмиссиясини чиқаришга қарор қилинди. Ҳисобот даврида акциядорларнинг соини 11 миң нафардан 21 миң нафарга етди.

«Пахта-банк» томонидан бултур қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига 80,9 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Унинг кредит портфели 1996 йилдагига нисбатан 2,7 баравар ўсди. Бунда қишлоқ ҳўжалиги ва қайта ишлаш саноати корхоналари ҳамда тармоққа хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотларнинг улуди 85,5 фоизга ўзгари келди.

Банк республикада инвестицион фаолиятини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда, қимматли қорғолар бозорини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратаётти, нақд пул муомаласини барқарорлаштириш ва миллий валюта қувватини мустаҳкамлаш борасида ҳам қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Жаҳон банки Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги корхоналари структурасини қайта тузишга оид дастури ижросига хизмат кўрсатиши учун «Пахта-банк»ни танлаб олганлиги эса унинг халқаро молия ташкилотлари доирасида салоҳияти янада ошишига олиб келди.

Йилги йилда банк жамоасининг олдига гоёт муҳим вазифалар турибди. Жўмладан, республика иқтисодиётини, айниқса, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришнинг ислох қилишнинг янада чўқурлаштириш, корхоналарни тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйиши, уларни нафақат ички, балки жаҳон бозорига чиқаришга муносиб ҳисса қўйиш лозим. Бунинг учун инвестицион фаолиятнинг устувор йўналишлари бўйича қўллаб-қўриқлар бажарилиши лозим.

Йилгилида Ўзбекистон Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А. Аҳмадов қатнашди.

Ў. ИКРОМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

НАМАНГАН ҚОҒОЗИ

Намангандаги «Намбўм» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида ёзув қоғозининг намуна туркуми ишлаб чиқарилди.

Қўшма корхона ўзбекистон томонидан «Наманган-нуйқурилиш» ва «Садоқат» акциядорлиги жамиятлари, шунингдек, Ўзбекистон Мехнат вазирлиги, Германия томонидан эса, «Экотекс» фирмаси таъсис этган. Бир ярим йил вақт ичида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган қоғоз ишлаб чиқарувчи янги корхона бунёд қилинди.

Халқаро андозаларга жавоб берадиган ёзув қоғозини тайёрлаш учун дастлаб анъанавий материаллар — целлюлоза ва чинкиди ишлатилди. Яқин орада эса, чингит туқилдан маҳсулот ишлаб чиқарила бошланади. Корхона қуввати йилга 5 миң тонна қоғоз ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Маҳсулотнинг бир қисми хорижа юборилди. Корхонада юз эллиқ киши меҳнат қилади.

Ҳозир Швейцариан кендирилган жиҳозларнинг ишлари тугалланмоқда. Қўшма корхона директори Жўра Ҳошимовнинг гапига қараганда, қўшма корхона яқин кунларда маҳсулотни тўла ҳажмида ишлаб чиқаришга киришад.

Н. ХўҲАЕВА, Ўза муҳбири.

ЕР ЭҒАСИ ЭРТАСИНИ АНГЛАМОҚДА

Бойвут туманида Сирдарё вилоят ҳокимлиги ва «Халқ сўзи» газетаси тахририятининг қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чўқурлаштиришга доир қону ҳўжатлари лойиҳаларининг муҳокамаси бўлиб ўтди.

Бу ҳақда газетанинг 2-бетига ўқийсиз.

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

ОИЛА — МУҚАДДАС ВАТАН!

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — Ўза ва «Халқ сўзи» ҳамда «Народное слово» газеталари тахририятлари ана шундай шиор остида энг сара мағола, сўхбат, репортаж, очерк ва фотосуратлар учун танлов эълон қилди. Материалларда мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий, маданият ҳаётида, кишилар онда рўй берган ўзгаришлар, 1998 йил — Оила йилида мамлакатимизда оила манфаатларини зўмоқ қилиш, уни мустаҳкамлаш,

2. Иккита иккинчи мукофот — ҳар бири 20 миң сўмдан.

3. Учта учинчи мукофот — ҳар бири 15 миң сўмдан.

ФОТОСУРАТЛАР УЧУН:

1. Битта биринчи мукофот — 20 миң сўм.

2. Иккита иккинчи мукофот — ҳар бири 15 миң сўмдан.

3. Учта учинчи мукофот — ҳар бири 10 миң сўмдан.

Танлов якуни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қуни арафасида эълон қилинади.

Танлов якуни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қуни арафасида эълон қилинади.

1. Битта биринчи мукофот — 30 миң сўм.

ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ МУҲОКАМАДА

«ЕР КОДЕКСИ» ЛОЙИХАСИГА

Муҳокама-ингилишни Боёвут тумани ҳокими Аҳат ПРИМҚУЛОВ бош-лаб берди:

—Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгандан буён Олий Мажлис юзлаб қонунлар қабул қилди. Лекин бу қонунлар сиз билан биз муҳокама қилаётган қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга йўналтирилган ушбу тўртта қонун лойиҳалари каби ишчил, бандма-банд муҳокама қилинмаган эди, демак муболага бўлмасе керак. Зеро, қай бир ривожланган давлатни олиб қараманг, унинг иқтисодиёти, мамлакатнинг гуллаб-яшнаши авваламбор ерга,ундан олинаётган маҳсулотга чамбарчас боғлиқлигини кўрамиз. Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда яшайди. Миллионлаб одамларнинг фаровонлиги, иқболи, янада лўнда айтидаган бўлсақ, тақдир ола заминга бўлган муносабатга боғлиқдир. Шундай экан, ҳар биримиз лойиҳа муҳокамасида фаол иштирок этшимиз, ўз жамоамизда, маҳалламизда, керак бўлса, оила даврасида лойиҳа бандларини муҳокама қилиб, унга ўз муносабатимизни билдиришимиз лозим. Ишончим комилки, қабул қилинажак тўртта қонунни келгусида деҳқонларимиз кўйини чўнтақларида олиб

юришади. Таклифим куйидагилардан иборат. Лойиҳанинг 36-модда, 7-бандида «ер участкасида беш йил оқилона фойдаланилмаганда ер участкасига ёки унинг бир қисмига доимий эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи тугатилади», дейилади. Мен беш йил муддат сўзини «уч йил муддат» деган сўзлар билан алмаштиришни таклиф қиламан. Сабаби бу шароитда ижарачининг — ер участкаси эгасининг маъсулияти ошади. У бутун чоралар билан билан ердан оқилона фойдаланишга, ундан мўлк ҳосил олишга интилади.

Лойиҳанинг 50-модда 1-бандида ер участкалари оилаларга оила пудрати шартномаси асосда вақтинча берилиши кўрсатилган. Мана шу бандга участкалар қанча муддатга берилиши аниқ ва лўнда кўрсатилса янада яхши бўлади.

А. АБДУЛЛАЕВ, «Ғалаба» ширкатлар уюшмасининг фермери:

— Мен сўз олишим билан кўпчилигининг юз-кўзида кулгу кўраяман. Сезишимча, «Ҳозир Абдурасул ака бирор соат раҳбарлар билан қўлқамашт бўлади» деб кулпесизлар. Тўғри, кўп тортишиб, кўп жанжаллашаман. Сут билан кирган нарса, жон билан чиқади. Аммо бу сафар вақтларининг кўп олайман. Фақат бир нарсани айтиб кўйи: тўртта

қонун лойиҳаси битилган ситоб ёстигимизнинг тагида бўлишини унутмайлик. Энди, илтимос, ялиниш, дўк-пўписа билан кун кечиниш замони ўтди. Президентимиз ташаббуси билан дунёга келган ва келаётган бу ҳужжатлар деҳқон ва фермер учун ҳам қилиш, ҳам қалқон родини уйнайди. Бюрократ раҳбарга, таъмагир бошлиққа энди илтимос қилмаймиз. Балки мана шу қонунларни ўртага қўйиб, сўнг гаплашамиз. Аканг айлангурлар, менинг 52-модда битта қўшимчам бор. Бу моддаларда бўлажак фермер ширкат хўжалигини бошқарувига ёзма мувожаат қилиш, аризаси ҳужжатли ҳал этилгач, туман ҳокимлигида рўйхатдан ўтгандан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади, дейилган. Ерни ер қилади-

ган, кейин ундан мўл ҳосил ундирувчи ким? Ҳа баракалла, бу одам асл деҳқондир. Бас, шундай экан, фермер хўжалиқлари ташкил этилаётганида ер билан тиллашадиган, унга жони ачидилган, қаловини топиб қор ёндирадиган, экиннинг рангига қараб унинг ўғитга, сувга, ишловга, чанқоқ ёки аксинча эканлигини аълочи ўқувчилик шариллатиб айтиб берадиган одамларга алоҳида имтиёз берилиши шарт. Ойини этак билан ёпиб бўлмайди. Сирдарё вилоятининг қишлоқ хўжалиги кейинги беш-олти йил ичида ўтириб қолди. Бунга ким сабабчи? Албатта тумандаги, хўжалиқдаги раҳбарлар-да. «Мана бу амманнинг ўғли, наригиси жиянинг бўлади... Ҳар ошиққа беш кун давр, деганларидай қўлимда ама-

л бор пайтда ёрдамимни аямай...» деувчи раҳбарлар пахта билан ўсманнинг фарқига бормайдиган одамларга ҳам ер ажратиб, бирини фермер, бирини деҳқон хўжалигининг бошлиғи қилиб тайинлаб ташлади. Оқибатда қишлоқ хўжалиги соҳасидан беҳабар одамларнинг умрига зомин бўлдилар. Мана қолоқитимизнинг сабабларидан бири. Бас, шундай экан, мен 52-моддага: «Бўлажак фермер ширкат хўжалигининг умумий йнгилишида ҳар томонлама синчиклаб ўрганиб чиқилсин, унинг касби, лаёқати, тажрибаси, маблағи, техника турларига эга ёки эга эмаслиги, оила аъзоларининг сони қатъий ҳисобга олинсин» деган жумлалар киритилиши лозим деб ҳисоблайман.

Тоҳир РАЖАБОВ, туман прокурори: — Ҳозирги кунда, дарҳақиқат, Ўзбекистонимизнинг барча вилоят ва туманларида қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир тўртта қонун ҳужжатларининг лойиҳалари кизгин муҳокама қилинаёпти. Сиз билан биз ҳам бугун мана шу лойиҳаларга ўзимизча зарур ва лозим деган айрим ўзгаришлар қўшимчалар, бир сўз билан айтганда, лўнда таклифларимизни билдиришимиз лозим. Токи, бу лойиҳалар Олий Мажлис сессиясида қабул қилиниб, қонуний ҳужжат мақомига олганидан сўнг қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ одамларнинг манфаатига астойдил хизмат қилсин. «Ер кодекси» лойиҳасининг 24-моддасида «Ижарачи ижа-

ра шартномасида назарда тутилган ҳоллардагина ер участкасига бўлган ўзининг ижара ҳуқуқларини ижарага берувчининг розилигисиз гаровга қўйишга ҳақлидир» деган жумлалар бор. Назаримда, ушбу ҳолатда ижара берувчи ва ижарага олувчининг ўртасида турли низолар, тушунмовчиликлар келиб чиқиши мумкин. Шу сабабли «... ижарага берувчининг розилигисиз гаровга қўйишга ҳақлидир» деган сўз «мумкин эмас» деган сўзга алмаштиришга, мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, лойиҳанинг 8-модда биринчи бандида қишлоқ хўжалиги ерлари тоифаларига «бўз ерлар, тўтзорлар, иҳотазорлар» деган алоҳида бандлар қўйилса, яхши бўлади.

Жўрабой ЗУЛҲАЙДАРОВ, «Наврўз» ширкатлар уюшмаси раиси: — Лойиҳанинг 3,4,5,6 ва 7-моддаларида Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимиятларининг ваколатлари белгиланган. Бу яхши. Лекин шу лойиҳаларнинг 13,15 ва 34-моддаларида ваколатли органлар қаторидан ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам ўрин олган. Масалан, 13-модданинг учинчи бандида «Юридик ва жисмоний шахсларга ер ажратиб бериш лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимла-

ри, посёлка, қишлоқ ва овул ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида тасдиқланади» дейилади. Мазлумки шундай экан, лойиҳада ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари ҳам бошқа ваколатли органлар сингари алоҳида қайд қилиниши ва белгилиниши лозим, деб ўйлаймиз. Шунда бугун ҳуқуқматимиз томонидан алоҳида эътибор берилаётган маҳалла ҳамда фуқаролар йиғинининг нуфузи янада ошарди.

А. ТАНИБЕРДИЕВ — «Маданият» фуқаролар йиғини раиси: — Қонунларимиз оммабоп, аниқ ва тушунарли бўлгани маъқул. Уни хоҳ ҳуқуқшунос, хоҳ олдий деҳқон бўлсин, худди баддий асардек ўқини керак. Агар лойиҳани кўздан кечирангиз бир қанча моддаларида маъхум ифодаланган тушунчаларга ҳам дуч келиш мумкин. Масалан лойиҳанинг 36-моддасида: «... агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳол (?) назарда тутилган бўлмаса», ёхуд «ердан белгиланганидан бошқа мақсадларда (?) фойдаланилганида» каби жумлаларни ўқиймиз. Менимча «бошқача ҳол», ва «бошқа мақсадларда» дейилмасдан ўша «ҳол» ҳамда «мақсадлар» аниқ кўрсатилса, фойдалан холи бўлмасди.

ЕР ЭГАСИ ЭРТАСИНИ АНГЛАМОҚДА

Боёвут туманида Сирдарё вилоят ҳокимлиги ва «Халқ сўзи» газетаси таҳририятининг қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ҳужжатлари лойиҳаларининг муҳокамаси бўлиб ўтди.



Тошкентдан Сирдарёга кетаётиб, автобусда ёши олгинишларни қоралаб қолган отахон билан ёнма-ён ўтириб қолдик. Отахон Гулистон шаҳрининг кираверинида истиқомат қиларкан. Йўл-йўлакка, табиийки, у ёқ-бу ёқдан гурунг қилди бордик. Автобусимиз Сирдарёдан ўтгандан кейин сўхбатимиз вилоятга, унинг бугунги ҳаётига кўчди. — Сирдарёда, айниқса, кейинги икки йилнинг ичида жуда катта ишлар қилинди, — деб сўхбатини давом эттиради отахон. — Гулистонни ҳозир кўрсангиз, танийолмай қоласиз. Жуда ҳам ўзгарган. Қайтадан қуриляпти, десам ишонинг. Бозорларини айтмайсизми? Одамлар қилса бўлар экан-ку, дейишпти.

«ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАТИВИ (ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИ) ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИГА

У. ДУСИЕВ, «3-Боёвут» ширкат хўжалиги раисининг муовини: — Лойиҳанинг 6-моддасида Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)га аъзо бўлишни хоҳлаб ариза берувчининг илтимоси кооперативнинг умумий йнгилишида маъқулангани лозимлиги кўрсатилган. Бу ҳолат ширкат хўжалиги аъзо бўлишни хоҳловчилар учун қатор қийинчиликлар туғдириши мумкин. Чунки ширкат хўжалигининг умумий йнгилиши йилда бир-икки, кўни билан эса уч мартабта бўлиши мумкин. Шундай экан, ушбу моддага: «Ширкат хўжалигига аъзо бўлишни истовчиларнинг аризалари вакиллар йнгилишида ҳам кўриб чиқилсин», деган жумла киритилса, яхши бўларди. Шу бобнинг 8-модда, 3-бандидан сўнг 4 ва 5-банд сифатида: «Ширкат хўжалиги низомига риоя қилмай мекхнат интизомини сурункали

бузганда», «Мулк пайи улундан ошиқ микдорда зарар келтирилганда» деган жумлалар киритилишини таклиф қиламан.

У. ИШОНҚУЛОВ, «Ғалаба» ёниқ турлаг ҳиссдорлик жамияти бош иқтисодчиси: — Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда қотиб қолмайди. У ҳаммаша янгилиниб, ўзгариб, мукамаллашиб бораверади. Шундай экан, бугунги муҳокамада узоқ даврни ўйлаб таклифларимизни айтганимиз маъқул. Лойиҳанинг 1-моддасида: «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) — товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотни етиштириш учун пай усулига ва асосан оила (жамоа) пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишида бирлашишга асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир» деган жумлалар бор. Мен ана шу жумладан «... ва асосан оила (жамоа) пуд-

ратига» деган сўзларни олиб ташлашни таклиф қиламан. Чунки келажакда меҳнатни ташкил этишининг ҳали кўлаб илгор усуллари пайдо бўлишини ҳеч ким инкор этолмайди. «Пай усули» деган сўзлар эса лойиҳада қолгани маъқул.

Хусанжон ҲАЙДАРОВ, «Ғалаба» ёниқ турлаг ҳиссдорлик жамиятининг бригада бошлиғи: — Мен лойиҳанинг 7, яъни қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган моддасига қўшимча тарзда хўжалиқнинг бошқарув таркиби ва мутахасссларининг маъласини оширини мақсадда аттестациядан ўтказиш ҳақида алоҳида банд киритилишини таклиф қиламан. Чунки бозор иқтисодиёти рақобатга асосланганлиги учун соҳада турли янгилик ва ўзгаришлар бўлиб туриши ёки мутахасссе эса бундай янгиликлардан мунтазам

хабардор бўлиб туриши керак. Акс ҳолда... Агар аттестация ҳар икки йилда белгилаб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Баҳри БОБОҚУЛОВА, «Ғалаба» ширкатлар уюшмаси фермер хўжалиги бошлиғи: — Бозор иқтисодиёти шароитида моддий рағбатлантиришининг аҳамияти бекиёсдир. Меҳнатига яраша ҳақ олган одамнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшилиши, шубҳасиз. Шунинг учун лойиҳанинг 5-моддасига: «Даромадларини тақсимлаш, шу жумладан мулкий пайлар бўйича дивидендлар тўлаш ширкат хўжалигининг рентабеллик даражасига қараб амалда оширилсин» деган жумлалар киритилса, ёмон бўлмасди. Бу ҳолда ширкат аъзоси янада самарали меҳнат қилишига, хўжалиқнинг бақувват бўлишига кўпроқ ҳисса қўйишга ҳаракат қилади.

Хулоса ўрнида лашга ҳаракат қилишганлиғидир. Ана шуларни кузатиб, қонун ҳужжатлари лойиҳалари юзасидан ўтказилаётган тадбирлар бехуда кетмаётган экан, деган хулосага келидик. Бузувчи деҳқон бундан беш, олти йил аввалги деҳқон эмас. Унинг ўзига ҳос дунёқарши, тафаккур тарзи бор. У бугун ҳаёт ўзгариётганини — аввалгисига сира ҳам ўхшамаслигини ҳис қилади. Ва эртага қонунларимиз бундан-да устувор бўлишини аниқлаш томон қадам қўймоқда. Зеро, унинг бугун қонун лойиҳалари устида имкони доирасида жон куйдириши, ўқиб, ўрганиши, муносабат, таклиф ва мулоҳазалар билдиришининг ҳам асосий босси ана шунда.

«Халқ сўзи» мухбирлари Исмат ХУДОЁРОВ ва Алиқул ХОНИМҚУЛОВлар тайёрлашди.

«ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИГА

Т. РЎЗИҚУЛОВ, туман марказидаги фуқаролар йиғини раиси: — Лойиҳанинг 7-моддасида қишлоқ жойларда яшовчи фуқароларга умрбод эгалик қилиш уйун иморат ва ҳоли билан қўшиб ҳисоблаганда сугориладиган ерларда 0,35 гектар ва сугорилмайдиган ерларда 0,5 гектар, чўл ва саҳро минтақасида эса 1 гектаргача ўлчамда ер участкаси ажратиш кўзда тутилган. Менинг фикримча, бу моддада ер ўлчамларини темир қолипга солиб қўйиш у қадар ўринли бўлмайди. Хўжалик ва туманинг имкониятига қараб фуқароларга сугориладиган ерлардан 0,5 гектар, лалмикор ерлардан 1 гектаргача, чўл ва саҳро минтақасида эса 3 гектаргача ер участкалари ажратишни таклиф қиламан.

ЗАЛДАН ЭЪТИРОЗ: — Раис бобо, сизга эътирозимиз бор. Йил сайин пахта ва галла учун кўпроқ майдонлар талаб этилаётган пайтда сезининг таклифини тизга қўшилиш уринлимикин? Айтмайлик, бизнинг туманимизда дерири ортиқча ер йўқ. Ерни на кенгайтириб, на чўзиб бўлади...

Т. РЎЗИҚУЛОВ: — Яхши, сезининг эътирозингизга жавоб берай бўлмасе... Баъзи бирорлар 20 сотих томорқасига қаровмай, уни баъзан шўразорга айлантириб юборди ёки 9 ой мобайнида фақат бир аравага қол бўладиган мақкажўхори экади. Мен фақат бизнинг туманини назарда тутмаганлигим учун лойиҳага юқоридаги таклифини киритдим. Баъзи оилалар борки, сугориладиган ердан 1 гектар участка берсангиз ҳам гудай яшатиб юборди. Натихада бу одам нафақат ўз оиласини, балки бозорни ҳам арзон, сифатли маҳсулот билан тўлдириб юборди. Демак, қонун қабул қилинаётганда ер участкасининг ўлчами хўжалик ва туманинг ички имкониятларига қараб тақсимланиши турмуш манғитига мос келади. Бошқа савол йўқми? Бўлмаса фикримда давом этай. 7-модданинг 4-бандида «мажур жойда камиди ўз йил мобайнида доимий яшаб келаётган шахслар янги ташкил этилаётган деҳқон хўжалиги учун томорқа ер участкаси олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар» деб ёзилган. Мен мана шу бандга «Ойнали шахслар» деган жумлани киритишни таклиф қиламан. Ана шунда ерининг умри берокат ўтмаган ва турли тушунмовчиликларга барҳам берилад бўлади.

У. ЭШОНҚОНОВ, Усмон Юсупов номли ширкатлар уюшмасининг фермери: — Мен Мирзачўлда туپ қўйиб, палак ёганларданман. Ўзимиз асли форшликчимиз. Ярим аср бўлдики, дала орайдаяман. Ганнинг данлигини айтсам, таклифим лойиҳанинг қайси бандига тўғри келса ўша бандига тиржаб қуйверасизлар. Фермер хўжалиги бошлиғи давлатнинг бююртмасидан ошқича маҳсулотни эмин-эркин сотиш ҳуқуқига эга бўлсин. «Ака, ука бу йилча галлангизни фалончига ўтказиб туринг, кейинчалик ҳисоблашиб кетасизлар» деган қилдилати гаплар бўлса, деҳқоннинг ишдан кўли совиб қолади.

А. АБДУЛЛАЕВ, «Ғалаба» ширкатлар уюшмасининг фермери: — Усмон ака, сезининг таклифингизни ширкат хўжалиги тўғрисидаги лойиҳанинг 17-моддасига қўшимча қилиш мумкин. У сезининг пешона терингиз билан яраган улушингизга кўз олинтирмайдилар. Ерининг дейдиган бўлса, ўшани судга беришингиз ёки бошқа қонуний ҳужжатлар билан тартибга чиқаришингиз мумкин. Чунки йилнинг якунига қўра ҳар бир пай эгаси ўз мулкнинг даромадидан тўла фойдаланиш ҳуқуқига эгадир...

Ф. БОБОВЕВ, Усмон Юсупов номли ширкатлар уюшмаси оила пудрати бошлиғи: — Лойиҳанинг 1-модда учинчи бандида: «Деҳқон майда топар хўжалиги ўз фаолиятида доимий асосдаги ёлланма меҳнатдан фойдаланиши мумкин эмас» дейилган. Менимча уни «мумкин» деб ўзгаририш керак. Чунки ҳамма ҳам деҳқон хўжалиги аъзоси бўлишни хоҳламаслиги мумкин. Усметига устак биз истаймизми, истаймизми аҳоли сони йилдан-йилга ошиб бораверади.

Камол ҚЎЗИБОВЕВ, фермер хўжалиги раҳбари: — Мен Бобоевнинг фикрини қўллаб-қувватлайман. У тўғри гапни айтганпти. Шу ўринда ўзининг ҳам бир таклифим бор эди. Шунини айтқоқчиман. Лойиҳанинг 5-модда иккинчи бандида: «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви деҳқон хўжалигини ташкил қилиш тўғрисидаги масалани умумий йнгилиши муҳокамасига киритишга, йнгилиш бу ҳуседа тегишли қарор қабул қилди» дейилган. Дейлик, ширкат хўжалиги 5 нафар деҳқон ўз хўжалигини тузиш учун ариза ёлди. Лекин кўпчилик уларга қарин овоз берди. Демак, бундан чиқди улар ҳеч қачон ўз деҳқон хўжалигини туза олмаган экан-да. Менимча, ана шу банд ҳақида жиддий бот қотирин керакка ўхшайди. Келидик УСМОНОВ, «Тараққиёт» ширкатлар уюшмаси бригада бошлиғи: — 7-модданинг 2-бандида: «Фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкалари 0,06 гектар доирасида мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ким оилди савдоси асосида сотилиши мумкин» дейилган. Биз ким оилди савдоси асосида сотилиши мумкин бўлган ер участкалари майдонини сугорилдиғани, далами ва лалмикор ерлар бўйича алоҳида кўрсатилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Бу лойиҳада янада аниқлик киритса киритилди-ки, ортиқчалик қиламайди.

«ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИГА

Р. ГУЛМУРОДОВ, «1-Боёвут» ширкат хўжалиги фермери: — Йиғилишимизда Абдурасул ака Абдуллаев ерни эллаган одамга бериш керак, деган жуда ўринли фикрни айтди. Мен бу гапга икки қўлимни кўтарган ҳолда қўшиламан. Лойиҳанинг 8-моддасида эвини қилиб бошқалар бир ошаганда ўртадаги паловдан икки марта ошаётган фермерлар тўғрисида гап кетади. Яъни, ширкат хўжалиги бошқаруви томонидан умумий йнгилишининг қарори асосида укўвли фермер учун маҳсулотни қайта ишлаш, озуқа ишлаб чиқаришни ташкил этиш, яйлов учун қисқа муддатли ер участкаларини бериш кўзда тутилган. Ана шу ерда дўппини ёнга қўйиб ўйласа, аризулик нуқта бор. Фермерликни қойилдлатётган бир одам ишлаб чиқариши янада кенгайтириш учун ер олдидейлик. Қандини урсин! Яхши кўзи иккита энани эмади. Нега энди мана шу модданинг 2-бандида: «қисқа муддатли ижарага ер бериш мумкин», деб ёзилган. Назаримда, қисқа муддатли деган сўз мултоқ ортиқча. Мен ана шу сўзларни олиб ташлашни таклиф қиламан.

К. ҚЎЗИБОВЕВ, Усмон Юсупов номли ширкатлар уюшмасининг фермер хўжалиги раҳбари: — Кўпгина фермерлар, деҳқон хўжалиқларининг бошлиқлари биз муҳокама қилаётган қонун лойиҳаларини ўқиб, худди тилла ёмби топиб олгандек бўлишяпти.

Тўғри, муслмончилик аста-секин деган гап бор. Бироқ сиз билан биз темирни қизигида бостанимиз маъқул. Лойиҳанинг 27-моддасида фермер хўжалиқларини давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш тўғрисида гап боради. Ана шу бобга айрим қўшимчалар киритсак, нур устига аъло нур бўларди. Фермерлар тўғрисида гап кетганда туман ёки хўжалик раҳбарлари баъзан «сувдан, ўғитдан ўғирлик қилаёйсизлар», дея бизга кўз очиршмайди. Тан олиш керак, бу гапларда озми-кўпми жон бор. Баъзи фермерлар на вилоят марказида, на туман марказида кимёвий дорилар сотадиган дўконлар, махсус омборхоналар бўлмагач, баъзан ўғирлик қилади-да. Худодан яширмагани бандадан яшириб бўлармиди? Пул ўтказиш йўли билан махсус жойлардан ўғит олиш биз учун сувдан ҳовла ясадан ҳам қийинроқдир. Ҳали у, ҳали бу дея таъмагирлар тинканини қуритиб юборди. Таклифини битта: хўжалик марказларида, шаҳарларда фермерлар учун кимёвий ўғитлар сотадиган махсус дўконлар ташкил этиш вақти келди.

Ўроздаи ЖАББОВ, «3-Боёвут» ширкатлар уюшмаси фермери: — Қўзибев ҳозир яхши таклиф киритди. Лекин бундай ҳолатни қонун лойиҳасига киритиб бўлмайди. Қачонки, қонунлар қабул қилинса, ундан кейин улар асосида кўплаб меъёрий ҳужжатлар тайёрланади. Ўғит масалаларини ана шунда қайд этса бўлади. Лекин бунга ҳали вақт бор, деб ўйлайман.

Исроил ЭРБЕКОВ, Ширин шаҳар ҳокими, Олий Мажлис депутати: — Бўлаётган мулоқот-ингилишни кузатиб мен ҳам фикр-мулоҳазаларимни билдиришга жазм қилдим. Сўзининг аввалда ушбу қонун лойиҳаларининг моҳияти ҳусеида гапирмоқчи эдим. У чинданам эртага сизлар, сезининг фаолиятингиз учун муҳим ҳужжатларга айлиниши, шубҳасиздир. Шу босе уларни янада такомиллаштириш учун, энг аввало, уларнинг эгалари — сизлар жон куйдиришларингиз, фаол ҳаракат қилишларингиз даркор.

Қонун лойиҳаларида бугунги бозор шароитида ер эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, кафолатли органларнинг бурч ва вазифалари, мажбур тартиб-қондалар аниқ-тиниқ ифодаланган, деб ўйлайман. Бугунги кунда сизу бизнинг вазифамиз уларнинг ҳар бир банд ва моддасини ҳаёт билан нечоғлик мувофиқ келишини ўрганиш, лозим бўлса уларга қўшимча ва ўзгаришлар киритишни иборат. Бугунги мулоқот-ингилишининг асосий мазмун ва мундарижаси ҳам ана шундан иборат. Мени бугунги мулоқот фикрларимни буткул ўзгаририб юборди, десам муболага йўйманг. Ана шундай мулоқотларни бот-бот уюштириш лозимга ўхшайди.

МАЙДОН

МУВАФФАҚИЯТЛИ САФАР

Яқинда Тошкентнинг «Пактакор» командаси Бирлашган Араб Амирлиги бўйлаб зафарли сафардан қайтди. Улар мамлакатимиз еттинчи чемпионатига тайёргарликни мустахкамлаш юзасидан тўртта ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Ҳамюртларимизнинг дастлабки рақиби Қозғистоннинг «Елимай» командаси бўлди. Унда 2:2 ҳисоби қайд қилинди. Ақмолянинг «Астана» командаси билан бўлган иккинчи учрашувида эса яна куллар тенг келди — 1:1.

Навбатдаги қанда «Пактакор» Бирлашган Араб Амирлигининг «Ал Шаат» футболчиларига қарши майдонга тушиб 5:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Сўнгги учрашуве Россиянинг «Жемчужина» клуби билан ўтказилди. Унда тошкентликлар 7:2 натижа билан ғолиб чиқдилар.

МАШҲУР СПОРТЧИГА ИМТИЁЗ

Спорт билан жиддий шуғулланган аёллар эркак, ёш қари ҳеч қачон кам бўлмаган. Ишбод дейсизми? Марҳамат, Нағано олимпиадасида уч марта олтин медални қўлга киритган россиялик машҳур спортчи Лариса Лазутина умрининг охиригача ҳар қандай солиқдан озод қилинди. Ларисанинг ютуқидан ҳаяжонланиб кетган Борис Елцин унга Россия Қўрамони кўрақ нидисини таъбир қўйди.

ФУТБОЛ:

таклиф ва мулоҳаза



ЕНГИЛМАСЛИК — САНЪАТ!

Ҳадемай мамлакатимизда улкан футбол байрами — еттинчи миллий чемпионат уйинлари бошланди. Булажак чемпионатимизда учрашувларини имкон қадар ҳужумкор, адолатли, чиройли бўлишига ҳисса қўшиш мақсадида газетамизнинг «Футбол: таклиф ва мулоҳаза» руҳи остида ашаддий ишқибозлар, тажрибали мутахассислар, мураббий ва футболчиларнинг таклиф мулоҳазаларини бериб боришни лозим топдик.

Дастлабки сўз футбол ишқибози, Тошкент Давлат техника доирасини, ўқитувчиси Абдоржон Ҳакимовга:

ТАКЛИФ: 1. Футболчиларимиз, мураббийларимиз ўз устидарида жиддий ишлашлари, жисмоний тактикавий ва техникавий маҳоратини оширишга бўлган талаб ва эътиборни қулайтиришлари шарт.

2. Енгилмаслик — санъат! Бироқ ҳақиқий, тажрибали мураббий ва футболчи енгилмиш маданиятини ҳам урганмоғи лозим. Ҳамма нарса маданиятдан бошланади.

3. Футболчиларимиз қўшиқ таътилга чиққан навбатдаги мавсумга тайёргарликни бўшаштирмайсизлар ҳамда ишқибозларни зериқтирмаслик учун Ўзбекистон миллий ва олимпия терма командалари, мамлакат чемпиони, кубок соҳиб ва илоҳи бўлса, қўшни давлатларнинг кучли командалари иштирокида «Мустақиллик кубоги» мусобақаси ўтказилса, кони фойда бўлар эди.

4. Ўзбекистон кубоги мусобақаси йили давомида эмас, балки энг кучли 24 команда иштирокида (6 гуруҳга тўрттадан бўлиниб) бир вақтинг ўнда футболчиларнинг ҳаёт ва нотўғри ҳаракатлари жиддий навмиш ҳам анча кўтарилади.

5. Футбол мусобақаларини телевиденида олиб кўрсатишни маълум қонда — тартиб асосида уста шарҳловчилар иштирокида пухта шакллантириш ҳам айти мудоаодир.

МУЛОҲАЗА: 1. Утган йилги футбол мавсумида ҳакамлар томонидан жуда кўп ҳатоларга йўл қўйилди. Айниқса, «Нефчи» — МХСК, «Пактакор» — «Нефчи» (кубик), «Чилқоз» — МХСК, «Пактакор» — «Сурхон» учрашувида ҳакамларнинг тажрибасизлиги сезилиб қолди. Менимча, уларнинг маҳоратини ошириш учун имконий яратишнинг пайти келди.

2. Терма командаларнинг жаҳон чемпионати саралаш уйинларидаги мураббийлари таркибиде Осиё уйинлари чемпиони Рустам Акрамовнинг ўрни билинди. У киши ҳали футболимиз тараққиёти учун кўп хизмат қилиши мумкин.

3. Терма командалар уйинларида асосан шиларга кўпроқ эътибор берилди. Бу яхши албатта, аммо «халқ илғичи» учрашуларда «кекса» ва маҳоратли футболчилардан ҳам имкон қадар фойдаланилса ёмон бўлмас эди. Булажак 13-раундда бунчи ҳисобга олиш зарур.

4. Матбуот, радио ва телевиденида терма командалар уйинлари яхши ёритилди. Бироқ ички чемпионатимиз ҳамда кубок мусобақалари кўнглидаги таҳлил қилинмади. Баъзан мураббийларнинг, ҳакамларнинг, футболчиларнинг ҳаёт ва нотўғри ҳаракатлари жиддий баҳоланмади. Чиройли суратлар, сўхатлар берилмади.

5. Осиё кубоклари баҳсларида командаларимиз яхши қатнаша олмади. Ички чемпионатимизда чемпион МХСК (Тошкент) командаси уйинларидан ишқибозлар қоникши ҳосил қилмадилар.

«Халқ сўзи» мухбири
Нормурод МУСОМОВ тайёрлади.



«ЧИМИЛДИҚ»НИНГ

ЮЗИНЧИ УЧРАШУВИ

Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида «Чимилдиқ» юзинчи бор сахнага чиқди. Бу кун нафақат спектаклнинг юбилей санаси, балки театр ва санъат мухлисларининг байрамига айланиб кетди.

Одам ур-йиқит фильмлардан чарчаганда бештиёр театрни кўмсаб қолади. Эҳтимол, шу боиским, мухлислар яна бетакрор санъат даргоҳига қайта бошлади. Отаҳон театр сифатида академик драма театри ташаббусини ўз қўлига олди. Шоир Чўпон таваллудининг 100 йиллигига бағишланган «Кундўзсиз кечалар», «Ҳаёт эшик ортида» асарлари томошабинларга маъқул бўлди. «Чимилдиқ» эса тобора мухлислар эътиборини ўзига жалб этиб борди. Мана «Чимилдиқ»қа 29-март ташаббусини Юнусов туманида истиқомат қилувчи Малика Мирзаявнинг дил сўзлари:

— Театрни яхши кўраман. Бу ерга келсам, жамикки ташвишларимни унутаман.

Спектаклдан сўнг асар муаллифи Эркин Хушвақт, сахналаштирувчи режиссёрлар Турғун Азизов, Мунаввара Абдуллаева, расом Бахтиёр Тўраевларга, театрнинг жамикки актёр ва актрисаларига ҳомишларнинг совғалари топширилди.

Театрнинг бош директори Ёқуб Аҳмедов таъкидлаганидек, мухлисларнинг меҳру муҳаббати бор экан, санъаткорлар чароққ нимагини билмайди. Бу меҳр бор экан, театримиз, санъатимиз гуллаб яшнайверади.

Гоҳ кўнглимга таскин издасам, гоҳ асабим бузилса шу ерга келаман. Айниқса, «Чимилдиқ»ни томоша қилсам, мириқиб дам оламан.

Малика опанинг сўзларида жон бор. Дилбар Икромов, Мадина Мухторова, Абдурайим Абдуваҳобов, Саида Раметовалар ролларни маромига етказиб ўйнаган. Уларнинг ҳар бир сўзи, хатти-ҳаракатлари томошабинни бефарқ қолдирмайди. «Чимилдиқ» — рамз. Қадимий урф-одатларимиз, маданиятимиз, маънавиятимиз рамзи. «Насихатни ҳам насибалик киши олади» дейди келин-чаксининг қайсарлигини енга олган момо.

Спектаклдан сўнг асар муаллифи Эркин Хушвақт, сахналаштирувчи режиссёрлар Турғун Азизов, Мунаввара Абдуллаева, расом Бахтиёр Тўраевларга, театрнинг жамикки актёр ва актрисаларига ҳомишларнинг совғалари топширилди.

Театрнинг бош директори Ёқуб Аҳмедов таъкидлаганидек, мухлисларнинг меҳру муҳаббати бор экан, санъаткорлар чароққ нимагини билмайди. Бу меҳр бор экан, театримиз, санъатимиз гуллаб яшнайверади.

А.ЖўРАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



ФОТОНИГОХ

Атласчилар шаҳри — Марғилонда Турғунбой ака Мирзахмедовлар оиласини ҳамма танийди ва ҳурмат қилади. Боболар касбини ардоқлаб, қадимий хунарни санъат даражасига кўтариб келатган бу оилага нафақат мамлакатимиз, балки хориждан келган сайёҳлар ҳам бот-бот ташриф буюриб турадилар. Чунки улар тўқитган атласда серкўёш юртимизнинг минг бир гўзаллиги мўжасам.

СУРАТДА: оила кенжаси Қамбарой Мирзахмедова ҳам аялдолари каби машҳур атласчи бўлишга аҳд қилган. Тоҳиржон ҲАМРОКУЛ олган сурат.

ДУНЁ ДАРАҚЛАРИ

МУДОФАА САЛОҲИЯТИ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Хитой Халқ Республикасининг 1998 йилги бюджетни лойиҳаси муҳокамаси чоғида жорий йилдаги ҳарбий харажатларни 90,9 миллиард юанга (10,9 миллиард АҚШ доллари) етказиш таклифи билдирилди. Ҳарбий харажатлар мамлакат бюджетининг 15,8 фоизини ташкил этиб, бу рақам ўтган йилги кўрсаткичдан 12,8 фоиз кўпдир. Ана шу муносабат билан ҳукумат расмий доиралари тарқатган ҳужжатда: «Мамлакат миллий мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг муҳим аҳамиятта эга бўғинларидан бири бўлиб қолавермади», дейилди.

СУД БОШЛАНДИ

Камбоджа собиқ Бош вазири Нардон Ранарит «Қизил кхмерлар» ташкилоти билан алоқада бўлганлик ва давлат тўнташига уринганликда айбланиб, унинг устидан ҳарбий-жиноий суд бошланди. Судда айбдорнинг ўзи ёки адвокати иштирок этмагани йўқ. Собиқ Бош вазир ҳозир хорижда муҳожириликда яшаб, ўзига қўйилган айбни рад этди.

ЖУРНАЛНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНДИ

АҚШнинг дунёга машҳур — «Тайм» журнали 75 йиллигини нишонлади. Журналга 1923 йил Йейл университети талабалари Генри Льюнс ва Бритон Хэдден асос солган эди. Ҳозир журнал ўз тиражи жиҳатидан дунёда етакчи уринлардан бирини эгаллайди. «Тайм» тиражи 5,5 миллион нусхадан ошади.

АВТОМОБИЛЬ ИШЛАБ ЧИКАРИШ ҚИСҚАРАДИ

Япониядан чиқадиган «Нихон кэйзай» газетасининг ёзишича, мамлакатдаги автомобиль ишлаб чиқарадиган 11 та компания шу йил апрель ойидан бошлаб ўз маҳсулотлари ҳажмини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11 фоизга қисқартиришни режалаштирмоқда. Бунга сабаб ички бозорда автомобилларга талаб камайиб кетганлигидир.

Хориж оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

ДУНЁ ДАРАҚЛАРИ

ЯНГИЛИК!

Мустақил равишда иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминлаш қозони. Ўлчамлари 500X1600 мм. Иситиш майдони 1000-1200м². Ёқилғи сарфи соатига 3,5м³.

Телефонлар 55-90-81, 54-06-71.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «БАНКЛАР ВА БАНК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИНING 35-МОДДАСИГА АСОСАН БАНКДАН ОЛГАН КРЕДИТЛАРИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ҚАЙТАРА ОЛМАСТГАН ҚУЙИДАГИ ТАШКИЛОТЛАР АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРAT «ТАДБИРКОР» БАНК ТОМОНИДАН ТЎЛОВГА ҚОБИЛИЯТСИЗ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Ташкилот номи	Рўйхатдан ўтган тумани, вақти ва рўйхат рақами
1. «ПОЛИС» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ	СЕРГЕЛИ ТУМАНИ №720Ф 22.09.93 ЙИЛ
2. «ЭРК АН ЛТД» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ	МИРОБОД ТУМАНИ № 360 01.10.93 ЙИЛ
3. «БАХТ» ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ФИРМАСИ	ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ № 218\15-17 18.07.91 ЙИЛ
4. «ХОЛИС» КИЧИК КОРХОНАСИ	ТОШКЕНТ ТУМАНИ № 221 25.08.92 ЙИЛ
5. «ШАРҚ» ШАХСИЙ КОРХОНАСИ	МИРОБОД ТУМАНИ № 30\20 28.01.93 ЙИЛ
6. «МЕМБОР» КИЧИК КОРХОНАСИ	МУЛУҒБЕК ТУМАНИ № 445 РХ 08.04.94 ЙИЛ
7. «ЛЯН» ХУСУСИЙ ФИРМАСИ	ЎҚЧИРЧИК ТУМАНИ № 324 26.06.94 ЙИЛ
8. «СОЗВЕЗДИЕ» ЎРТОҚЛИК ЖАМИЯТИ	МИРОБОД ТУМАНИ № 431 28.10.93 ЙИЛ
9. «МОСТ» КИЧИК КОРХОНАСИ	МУЛУҒБЕК ТУМАНИ № 386-621 04.11.91 ЙИЛ
10. «АБСОЛЮТ» ХУСУСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТИЖОРAT ФИРМАСИ	МИРОБОД ТУМАНИ №431 22.03.94 ЙИЛ
11. «АВАЛЬ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТИЖОРAT ФИРМАСИ	МИРОБОД ТУМАНИ № 48. 06.02.95 ЙИЛ
12. «БЕК-ҲАМКОРЛИК» КИЧИК КОРХОНАСИ	МУЛУҒБЕК ТУМАНИ № 137 25.01.95 ЙИЛ
13. «ЛЕКСАМ» ЎРТА ОСИЁ КОМПАНИЯСИ	ҲАМЗА ТУМАНИ № 208\12 16.05.91 ЙИЛ
14. «ТАБРЕЗ» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ	ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ № 1050 23.06.93 ЙИЛ
15. «МУЛУҒБЕК» КИЧИК КОРХОНАСИ	ПАРКЕНТ ТУМАНИ, ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ № 9 18.03.92 ЙИЛ
16. «ҲАСАНБҲОЙ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТИЖОРAT ФИРМАСИ	ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ № 1302
17. «БАХТ» ХУСУСИЙ ФИРМАСИ	ҲАМЗА ТУМАНИ № 200 18.02.94 ЙИЛ
18. «УЗБЕГИМ» ВПЗФ	МУЛУҒБЕК ТУМАНИ № 898 рх/1 15.10.92 ЙИЛ
19. «ХУНДАЙ ПРИВАТ» ХУСУСИЙ ФИРМАСИ	ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ № 307 17.02.95 ЙИЛ
20. «ШЕРИК И К» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТИЖОРAT ФИРМАСИ	МИРОБОД ТУМАНИ № 331\1 12.10.94 ЙИЛ
21. «ИХТИРО» КИЧИК КОРХОНАСИ	
22. «ПАРАДОКС» КИЧИК КОРХОНАСИ	
23. «ВЕЛЛА» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ	
24. «ФЕНИКС» ХУСУСИЙ ФИРМАСИ	
25. «ВЕЛЛОС» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ	
26. «ЖАҲОНГИР-СУЛҒОН» ХУСУСИЙ ФИРМАСИ	
27. «АЛ ЖА ФАРУХ» ХУСУСИЙ ФИРМАСИ	

АКЦИОНЕР-ТИЖОРAT «ТАДБИРКОР» БАНКИ

ВИЛОЯТ ВА ШАҲАР КУТОБ САВДОСИ ТАШКИЛОТЛАРИ, ФИРМАЛАР, КОРХОНАЛАР, ТАДБИРКОРЛАР, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ БАРЧА ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ҲАМДА ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎҚИТУВЧИ» НАШРИЁТИ 1998-1999 ЎҚУВ ЙИЛИДАН БОШЛАБ

ўрта мактабларнинг 2-11-синфлари, академик лицейлар, гимназиялар, олий ва ўрта-махсус ўқув юртлари учун мўлжалланган барча турдаги дарсликлар ва қўлланмаларни очиқ савдога чиқаради ва уларга чекланмаган миқдорда БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Буюртмалар жаҳон андозаларига мос, юқори сифат билан тайёрлаб берилади.

Тўловлар исталган турда.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ: 700129.

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, «Ўқитувчи» нашриётининг «Савдо-тижорат бўлими». ТЕЛЕФОНЛАР: 144-22-92, 144-23-86, Факс: 144-26-89.



МУҲТАРАМ ТАДБИРКОРЛАР!

25 фоиз савдо чегирамаси билан дарслик ва қўлланмаларни биринчи қўлдан олишга шошилиш, бундан ўзингиз ҳам даромад олишингиз мумкин, ҳамёнингизга ҳам фойда!

1998 — ОИЛА ЙИЛИ ЭКАНИНИ УНУТМАНГ!



Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:

Парламент 133-57-34;
Хукук ва қонунчилик 136-07-94;
Иқтисодий 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги 136-37-85
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фил, турizm, спорт ва ҳарбий вазирлар
бўлими 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибиёт 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 01062, 42797 нусхадда босилди,
ҳажми — 2 тибоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета ИВМ компьютерида терилди
ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва
Сергей ЛУКИН томонидан сахифаланди.

С МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болнев,
Навбатчи — М. Ашмова,
Муеасххх — Ш. Машираббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаханаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди: 21.40 1 2 3 4 5 6